

ТОШКЕНТ

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 62 (10.367)

2005 ЙИЛ 30 МАРТ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган



Кеча шаҳримиздаги Ўзбекистон Республикаси Бадий академиясининг Марказий кўرғазмалар залида «Ташаббус-2005» кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда туман босқичларида биринчи ўринга сазовор бўлган голиблар — 11 нафар энг сара тadbirkор ва 11 нафар кўли гул хунармандлар иштирок этишди.

Жумладан танловда «Holos», «EAST KOLOR», «Nur-EI Bisnes», «Daymond Osiyo» масъулияти чекланган жамиятлари, хусусий фирмалардан «Офис Трайдинг», «MIRSAZAVA» ҳамда кўллаб қорхоналар сифатли, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлари билан қатнашишди. Шунингдек, Нилуфар Усмонова, Жамшид Сайдалиев, Анвар Алимбоев каби моҳир хунармандлар маҳорат ва билимларини кўриқдан ўтказишди.

Кўрик-танлов натижаларига кўра голиб ва совридорлар муносиб тақдирланди.

СУРАТЛАРДА: кўрик-танловнинг шаҳар босқичидан лавҳалар. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

XVI сағоси
Барча маъблардан олган сўғги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Урта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан Европа Иттифоқининг «Ўзбекистонда ўқитиш ва таълим соҳасида ижтимоий ҳамкорлик лойиҳаси» доирасида «Ижтимоий ҳамкорликни қучайтириш ва малака кўникмалари таҳлили» мавзусида семинар ўтказилди.

● Асакалик автомобил-созларга бутловчи қисмлар тайёрлаб бераётган Хонободдаги «ЎзКоджи» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасининг иқтисодий салоҳияти орталиги муносабати билан унинг жамоаси яна 70 кишига қўлайди.

● Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишлав шаҳарнинг энг сўлим мавзесида қурилаётган, умумий майдони 13,5 гектар ташкил этувчи 20 минг томошабинга мўлжалланган стадионга хозирга қадар 400 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

● Олмалик шаҳрида аҳолига малакали шошилинч табиий ёрдам кўрсатишининг янги усули жорий этилди. Эндликда марказий касалхона қошидаги «Тез ёрдам» бўлими машиналарининг хар бири ўзига бириктирилган даҳада хизматга хозир.

● «Пахтабанк»нинг Беруний туман бўлими ўз миқозларига 2 минг дона пластик карточка тарқатиб, нақд пулсиз ҳисобкитоб қилишни йўлга қўйди.

Жаҳонда

● Индонезиянинг Ниас оролида 2 минг нафарга яқин аҳолининг ҳаётига зармин бўлган ва оролдаги 70 фоиз бинони вайронга айлантирган Рихтер шкаласи бўйича 8,7 баллиқ zilzila рўй берди.

● Ироқда қиска муддат ичида фаолият юритишга сафарбарлик қилинган руминиялик уч нафар журналист номаълум жангарилар томонидан гаровга олинди.

● Анголада 120 кишининг ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлган Марбуга вируси хуружи юз берди. Хозирда БМТ тасаруфидидаги табиий ҳодимлар ва маҳаллий шифокорлар вирус тарқалиб кетишига йўл қўймаслик ҳаракатида.

● Миср суди мамлакат Президенти Хусни Мубаракка қарши суиқасд уюштиришда айбонланган Маҳмуд Муҳаммад Еида Дабусни 35 йилга озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов парламент палаталарининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисида таъкидлаганидек, солиқ сиёсатини такомиллаштириш жамиятни демократлаштириш ва янгилашнинг, мамлакатни ислоҳ ва модернизация қилишнинг гоят муҳим устуворликларидан биридир.

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан 2005 йил 29 мартда ташкил этилган давра суҳбати ана шу вазифа амалга оширилишини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш масалаларига бағишланди.

Анжуманда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда хизматлар кўрсатиш даражасини оширишда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини қучайтириш мақсадида солиқ ва боғжона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари атрофида муҳокама этилди.

Ресурслардан оқилона, тежамкорлик билан фойдаланишни таъминлаш, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ва ҳуқуқий онгини ошириш, шунингдек, солиқ йиғими даражасини кўтаришда ҳам бу омил алоҳида аҳамият касб этишига эътибор қаратилди.

Ўзаро фикр алмашув асосида солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини оширишга, давлат бюджетига солиқларнинг вақтида ва тўлиқ тушишини таъминлашга, солиқ соҳасидаги қоида-

бузарликларнинг олдини олишга, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қанча амалий тавсиялар билдирилди.

Давра суҳбатида сенаторлар, Молия ва Иқтисодиёт вазирликларининг, Давлат солиқ ва боғжона қўмиталарининг, Марказий банк ва тижорат банкларининг, Савдо-саноат палатасининг раҳбарлари ҳамда мутахассислари, шунингдек, етакчи илмий муассасаларнинг олимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

«ХИРОСИМА ТИНЧЛИК ТОШИ» — ТОШКЕНТДА

Ўзбекистон Бадий академиясининг Халқаро маданият қарвон саройида «Хиросима тинчлик тоши» ёдгорлигининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Япониянинг «Хиросима тинчлик тоши» уюшмаси аъзолари, мамлакатимизда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тadbirkор Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов очди.

1945 йил 6 август кунини инсоният тарихидаги энг муҳажир фожеалардан бири содир бўлган Япониянинг Хиросима шаҳрида дунёда илк бор атом бомбаси портлатилган. Натижада шаҳар бутунлай вайронга айланган, юз минглаб беғуно одамлар ҳаётдан кўз юмган.

«Хиросима тинчлик тоши» уюшмаси расми Мичио Уемомото ушбу рамзий тошнинг Тошкентда ўрнатилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлагани учун Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовга миннатдорлик билдирди. Мазкур ёдгорликнинг очилиши дунёда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга интилиш ҳеч қачон сўнмаслигидан далолат эканини таъкидлади.

Ядро қуроли бугунги кунда ҳам инсониятга ҳавф солиб турган катта муаммолардандир. Шу боис Ўзбекистон раҳбари БМТ минбари орқали Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга

айлантириш ташаббусини илгари сурган эди. Япония ҳукумати Хиросима ва Нагасакни фожеаларининг қайта тақорланмаслиги, ядро қуроли тарқалишининг олдини олиш йўлида мамлакатимиз раҳбарининг бундай хайрли ташаббусини қўллаб-қувватлайди.

«Хиросима тинчлик тоши» ёдгорлигининг Тошкентда очилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов юритаётган тинчликпарвар сиёсатнинг, ялли хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ва дунёвий таҳдидларга қарши курашишдаги хизматларининг ҳақон ҳам-жамияти томонидан кенг эътироф этилаётганининг яна бир ёрқин далилидир.

Тadbirkорда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Қосимов, Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Юичи Қусумото иштирок этди.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎЗА мухбири

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Фавқуллода ва мухтор элчиси Алишер Қодиров Ашхабадда Туркманистон Президенти Сапармурат Ниёзовга ишонч ёрлиқларини топширди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида 2004 йил ноябрида Бухоро шаҳрида икки давлат раҳбарлари то-

монидан имзоланган битимларнинг амалга оширилиши, мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари муҳокама этилди.

«Жаҳон» АА

Пойтахтнинг бир кунини

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

● **ЎТГАН** кунини «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман Кенгаши ташаббуси билан туман мактабларининг «Камолот» етакчилари Тошкент Давлат юридик институти фаолияти билан танишишди.

● **ШАЙХОНОХУР** туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан туман фаоллари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, маҳалла посбонлари иштирокида ўтказилган тadbirkор «Гийёвандликсиз-келажак сари» деб номланди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги Ёқуб Алиев номли маҳаллада туман ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамда маҳалла фаоллари иштирокида Наврўз айёми муносабати билан тadbirkор ва концерт томошалари бўлиб ўтди.

● **УЙ-ЖОЙ** мулкдорлари ширкатлари ходимларининг малакасини ошириш мақсадида шаҳримизда семинар уюштирилди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат техника университети қошидаги лицейда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари иштирокида фан олимпиадаси ўтказилди.

● **БЕКУНИЙ** номидаги кутубхонада китобхонлар иштирокида бўлиб ўтган тadbirkор Наврўз айёми ва баҳорий таомлар тарихи ҳақида чоп этилган китобларнинг аҳамияти хусусида фикр алмашилди.

● **КАМОЛИДДИН** Беход номидаги миллий рассомлик ва дизайн санъати институтида талабалар, ўқитувчилар иштирокида уюштирилган тadbirkор «Гийёвандликка қарши кураш» деб номланди.

● **БОБУР** номидаги маданият ва истироҳат боғида ЎТГАН кундан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Кенгаши ташаббуси билан олий ўқув юртлири талабалари ўртасида шахмат, шашка, мини-футбол, волейбол, кураш, стол теннис, астафета ўйинлари бўйича ўтказилаётган «Камолот» Кубоги мусобақалари иккинчи апрелда якулланади.

Иқтисодиёт

**ЧИРОЙЛИ,
БЕЖИРИМ,
ҚУЛАЙ**

Шайхонтохур туманидаги «Иродат» масъулияти чекланган жамияти жамоаси республикамиздаги корхона ва ташкилотлар ходимларига махсус иш кийимларини ўз мuddатларида, сифатли бажариб, мижозларни мамнун этмоқда.

Корхона жамоаси буюртмачиларга юксак самарали хорижий технология, Япония, Германия ҳамда россияликларнинг тикув машиналари ҳамда Туркия давлатидан шартнома асосида келтириладиган кенг турдаги сифатли хом ашёдан «IRODAT» ёрликли кийим-кечакларни тавсия этади. Булар тиббиётчилар учун халат, жаррохлик костюмлари, қалпоқчалар, овқатланиш тармоқлари ходимларига мўлжалланган костюм, официантларга кофта, блузка, юбкалардир.

Жумладан, мавсумий кўйлак, нимча, комбинзонлар, спортчилар кийимлари, бейсболкалар ўзининг бежиримлиги, қулайлиги, асосийси эса узоқ мuddат кўринишини яхши сақлаши туфайли ҳам буюртмачилар сафи кенгайтиришга омил бўлмоқда. Бундан ташқари, кузги-кишки мавсумга мўлжалланган кийим-кечаклар ҳам мохир бичувчи, тикувчи ҳамда дизайнчиларнинг маҳоратлари, изланишларидан далолат беради.

**ИЗЛАНИШ,
КАСБГА
МУХАББАТ
САМАРАСИ**

Мирзо Улуғбек туманида фаолият юритаётган Умидахон Азимхўжаева гўзал санъат — бисердан гўзал тақинчоқлар, бижутерия маҳсулотларини тайёрлаш маҳорати билан алоҳида ажralлиб туради.

Ёш, замонавий касб эгаси бугунги кунда шаҳримизда ташкил этилган «TARZAVE» Польша жамоат маданият марказида фаолият юритиб, ёшларга ўзининг касб маҳоратидан сабоқ ҳам бермоқда. Умидахон Нафис санъат коллежида дизайнчи мутахассислиги бўйича диплом олган, ижодий ишларини давом эттириш, юқори синф ўқувчиларнинг бўш вақтларини беҳудра, бесамар ўтказмасликлари учун марказда кўплаб шогирдларга кўнгли билан касбининг сир-асрорларини ўргатиб келмоқда.

Орзулари ойдин киз яқинда ўтказилган «Tашаббус-2005» кўрик-танловининг Мирзо Улуғбек туман босқичида қатнашиб, «Энг ёш иштирокчи» номинацияси ғолиби бўлди.

Умидахон диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. Ёш дизайнчи доимо изланиб, янги-янги лойиҳалар яратиш устида тинимсиз иш олиб бормоқда, ижодий ишларини эса марказда ташкил қилинадиган кўргазмаларда, туман, шаҳарда ўтадиган кўрик-танлов ва ярмаркаларда намойиш этмоқда. Ўзтиборли томони, Умида Азимхўжаеванин санъат даражасига етказилган маҳсулотларида анъанавийлик замонавийлик билан ўзаро уйғунлашиб, дилларни ажби бир гўзалликка ошуфта қилади.

Муқаддас УМАРБЕКОВА

Япониянинг Аичи префектурасида «Экспо - 2005» халқаро кўргазмаси иш бошлади. Ушбу халқаро тадбирнинг очилиш маросимида Япония императори Акихито, Бош вазир Дзюньитиро Коидзуми иштирок этди.

Сето, Нагакуте ва Тойота шаҳарларида қарийб 173 гектар майдонга жойлаштирилган павильонлар пештахталаридан инсоният тараққиётининг барча босқичлари тўғрисида ҳикоя қилувчи турфа хил экспонатлар, замонавий технология тараққиётининг жуда кўп ва рангбаранг намуналари жой олган.

«Табиат ўғитлари» шиори остида атроф-муҳитни химоя этиш, бизни ўраб турган она

**Ўзбекистон «ЭКСПО-2005»
халқаро кўргазмасида**

табиатга зарар етказмайдиган технологияларни ишлаб чиқариш ҳамда жаҳон халқлари ўртасида ўзаро мулоқотни мустаҳкамлашга давват этилган ушбу халқаро тадбирда дунёнинг 120 дан ортиқ мамлакати қатнашмоқда.

Юксак дид билан, жуда чиройли безатилган Ўзбекистон павильони кўргазманинг биринчи кунларидангина одамлар билан ниҳонда гавжум бўлди. Халқимиз тарихи, маданияти, урф-одатлари ҳамда мамлакатимизнинг хозирги тараққиёти

ҳақида атрофлича тасаввур берадиган Ўзбекистон экспозицияси миллий меъморчилик анъаналари, нақошлик, ганч ўймакорлиги санъати намуналари асосида безатилган.

— Мен Буюк ипак йўли тарихи, ўзбек халқининг бой маданияти, урф-одатлари ва бугунги ҳаёти ҳақида кўп ўқиганман, — дейди Япония Ташқи савдо ташкилоти (JETRO) вакили Ерико Суматсу. — Ўзбекистон павильонини зўр қизиқиш билан томоша қилгач, ундаги бой экспонатлар Шарқ ва Фарб ўртасида ўзига

хос кўприк вазифасини ўтаган юртингиз тўғрисидаги тасаввурларимни янада бойитди.

Анжуманда мамлакатимизнинг сармовий ва савийхлик салоҳияти муносиб равишда намойиш этилмоқда. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва «Узэкспомарказ» томонидан ташкил этилган ушбу павильон лойиҳасини рўйбга чиқаришда мамлакатимизнинг Япониядаги элчихонаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Roison Electronics» қўшма корхонаси ва бошқа ташкилотлар яқиндан ёрдам беришди.

Акмалжон КҮЧҚОРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири
Токио.

Анжуманлар

**ПРОФЕССИОНАЛ
АРМИЯМИЗГА
МУНОСИБ БЎЛСИН**

Маълумки, ҳар бир давлатнинг чегаралари дахлсизлиги, юрт фуқароларининг тинч, тотув, осойишта яшashi қафолати — шубҳасиз, Қуролли Кучларнинг ҳарбий салоҳияти билан чамбарчас боғлиқдир. Ана шу улгувор ниятлар самараси ўлароқ, Мустақиллик йилларида Миллий Армиямизнинг жанговар имкониятларини кенгайтириш, ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий оламини шакллантириш, замонавий ҳарбий техникаларни яхши ўзлаштирган кадрларни тарбиялаш устувор мақсадларга айланди.

Кунги кеча шаҳримиздаги Марказий офицерлар саройида бўлиб ўтган ўқув-услубий йиғинда Мудофаа вазирлиги ҳарбий округлари кўшинлари қўмондонлари ҳамда қисм командирларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари иштирок эттишти. Унда ҳарбий ислоҳот талаблари, шахсий таркибнинг маънавий-маърифий савиясини ошириш, кўшинларда тартиб-интизомни мустаҳкамлаш сингари мавзулардаги маърузалар тингланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири Қодир Ғуломов ўз маърузасида таъкидлаганидек, бугунги кунда ҳарбий соҳада амалга ошириляётган туб ислоҳотлар замирида Ватанимиз чегараларининг дахлсизлигини таъминлайдиган ҳарбий хизматчининг маънавий қиёфаси мумтоз топиши лозим ва шунинг билан бир қаторда у ўзи туғилиб ўсган шу азиз туپроқни кўз қорачигидек асрашга бўлган инсоний бурчлари юксак даражада шаклланиши, бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган профессионал армиянинг муносиб аскари бўлиши зарур. Буларнинг барчаси ўз-ўзидан амалга ошадиган жараёнлар эмас. Бунинг учун ҳарбий қисм командирларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари ҳар бир аскар билан зарур бўлган пайтларда яқка тартибда иш олиб бориши, қисмда умум-маънавий муҳитни, руҳий мувоzanатни шакллантиришга жонбозлик қилиши, ҳарбий низомда қайд қилинганидек белгилаб қўйилган қонунлар олдида жавоб бера олиши ҳам лозим бўлади.

Шунингдек, анжуманда ҳарбий қисмлардаги маънавий-маърифий муҳитнинг аҳволи, аскарларнинг бурча садоқати, қисмларда ҳуқуқий тарғиботнинг йўлга қўйилиши каби қатор масалаларга ҳам эътибор қаратилиши лозимлиги айтиб ўтилди.

Йиғинда қатнашчиларга керакли кўрсатмалар ва тавсиялар берилди, тарбиявий ишларни кенгайтириш юзасидан янги вазифалар белгилаб олинди.

Хидирали ПАНЖИЕВ



«Ташаббус — 2005»

ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Анъанавий тарзда ўтказилган «Ташаббус-2005» кўрик-танловининг Яққасарой туман босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур кўрик-танловда туманда муваффақиятли фаолият юритаётган 12 та ишлаб чиқариш корхонаси ҳамда 8 нафар уста хунармандлар иштирок этдилар. Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда улар изланувчанлик, доимо янгиликка интилувчанлик ҳамда ташаббускорлик кўрсатиб юртимиз иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Танловда намойишга қўйилган маҳсулотлар кўргазмаси барча йиғилганлар ҳамда ҳайъат аъзоларида катта

нингдек, «Она-Нафиса» хусусий фирмасининг, «Иродат» масъулияти чекланган жамиятининг ҳамда ўн нафарга яқин хусусий тадбиркорларнинг кўплаб турдаги рақобатбардош маҳсулотлари ҳам намойишга қўйилди.

Мазкур танлов ҳайъат аъзолари белгиланган шартлар бўйича ўзларининг билим ва маҳоратларини намойён этган қатнашчиларни 5 балли тизимда босқичма-босқич баҳолаб бордилар.

Кўрик-танлов якунида «Энг яхши тадбиркор» номига «Mirsazava» хусусий фирмаси раҳбари Баҳодир Мирҳабیبов сазовор бўлди; 2-савринли ўрин «Антен-плюс» хусусий корхонаси раҳбари Абдуғани Муҳамедбоевга насиб этди. 3-ўринга «Хазина-бизнес» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Мирзохид Тошмухамедов лойиқ деб топилди.



қизиқиш уйғотди. Чунки «Энг яхши тадбиркор» номинацияси бўйича қатнашаётган «Акотта», «Паризод», «Хазина-бизнес», «Мувад-Видео», «Дилбар давр», «Антен-плюс» масъулияти чекланган жамиятлари, «Mirsazava», «Dekol-servis», «Даврон Аҳмад ўғли» хусусий фирмаларининг сифатли, кўркам, асосийси, нисбатан арзон маҳсулотлари сифати ва харидордирлиги билан эътиборга лойиқ.

«Энг яхши хунарманд» номинациясида беллашаётган — зардўзлик, заргарлик, ёғоч ўймакорлиги, лоқминиятураси, кулолчилик санъати усталарининг ноёб буюмлари ҳар қандай кишини гўзаллик оламига ошуфта қилади.

Эътиборли томони, бу ерда шу-

«Энг яхши хунарманд» номинацияси бўйича эса олий мукофот — ёғоч ўймаkori Шерзод Ҳакимовга насиб этди. 2-ўрин заргар Муҳсин Дадамухамедовга ҳамда 3-ўрин ёш ҳайкалтарош Камолиддин Толибовларга берилди.

Ғолибларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топирилди. Ҳар иккала номинациялар бўйича ғолиблар кўрик-танловнинг шаҳар босқичига йўлланма олдилар.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: кўрик-танлов ғолиблари ўз маҳсулотлари билан; мухлислар кўргазма билан танишмоқдалар.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

Сағай

МУЗЕЙНИНГ БОЙ
ЭКСПОЗИЦИЯСИ

Тошкентдаги Республика Киночилар уйи томошабинлар билан яна гавжум бўлиб қолди. Уларнинг аксарияти ана шу санъат қасрининг иккинчи қаватида очилган Ўзбекистон кино санъати музейига келувчилардир.

Чиндан ҳам бу янги музей кўпчилик эътиборини ўзига тортмоқда. 40 мингдан ортиқ экспонатга эга бўлган мазкур музейда бўлган киши мамлакатимиз кино санъати тарихи билан яқиндан танишади. "Тонг олдиди", "Қасам", "Насриддин Бухорода", "Тоҳир ва Зухра" каби экран асарларининг яратилиши билан боғлиқ экспонатлар эса томошабинда айниқса яхши таассурот қолдиради.

Музейда фильмлар фотосуратларини намойиш қилувчи экспозиция ҳам ташкил қилинди. Бу ерда бундан бир неча йил олдин кинотасвирчилар томонидан фойдаланилган киноаппаратлар намуналари ҳам бор.

ХАЁТИЙ ФИЛЬМ

Яна бир телевизион бадиий фильм юзага келди. "Имон" деб номланган бу янги экран асари мавзу-мазмун билан ҳам томошабин эътиборини ўзига тортади.

Истеъдодли кинорежиссёр Баҳодир Аҳмедов бошчилигида суратга олинган мазкур ижод намунасининг воқеаси икки оила мисолида кечади. Ҳалол меҳнат билан топишган бойлик улугланади. Мўмай пул топиш йўлида бораётган кимсаларнинг қилмишлари фош этилади.

"Ўзбектеелефильм" студиясининг навбатдаги ижодий маҳсули бўлган мазкур фильмда қизиқари кинолаҳзалар анчагина. Уларнинг ҳаётий чиқишида асосий ролларни ижро этган актёрлар маҳорати муҳим ўрин тутди.

Янги фильм яқин кунлар ичида томошабинларга ҳавола қилинади.

ЖОЗИБАДОР
МУСИҚАЛАР
ЯНГРАДИ

Ўзбек мусиқа санъати ривожига ўзининг муносиб ижодий ҳиссасини қўшган таниқли бастакорлар қаторида устоз ижодкор Мардон Насимов номи ҳам фахр билан тилга олинади. У моҳир дирижёр ва педагог сифатида ҳам фаолият кўрсатди.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида унинг қўлида кўплаб умидли санъаткорлар таҳсил қўрди. Улар орасида моҳир ижрочилар ҳам талайгина.

Севимли санъаткор таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан ташкил этилган концерт дастуридан бастакорнинг қатор мусиқа асарлари ўрин олди. Уларни ижро этишда устоз санъаткорнинг шогирдлари қатнашдилар. Халқ чолғу асбоблари ижросида янграган мусиқалар ҳам тингловчиларга манзур бўлди.

Акбар АЛИЕВ

Наврўз нашидаси

БОЛАЖОНЛАР
МАҲОРАТЛАРИНИ
КЎРСАТИШДИ

Миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз ва қадриятларимиз болажонларимиз онига уларнинг ёшлик чоғлариданоқ сингдириб борсақ нур устига аъло нур бўлади. Шундай қилсақ, ёшларимиз келажақда она-Ватанини кадрловчи, мард ва фидойий инсонлар бўлиб етишадилар.

Бинобарин, мактабларимиз, болалар боғчаларидаги бугунги таълим-тарбия жараёни, ўтказилаётган турли ибратомуз тадбирларни кўриб кишининг дили ёришади. Айниқса, илдизи кўп минг йилларга тақалувчи, нафосат, муруват, поклик ва янгилашиш рамзи бўлмиш Наврўзи олам байрамининг ўқув муассасаларида кўтаринки руҳда нишонланishi фикримиз далилидир.

Ҳамза туманидаги 416-мактабга-ча таълим муассасасида ҳам баҳор ва яшариш айёми уюшқоқлик билан нишонланди.

Тадбирда муассасанинг барча ходимлари фаол қатнашди. Наврўзнинг тотли таоми — сумалак тортилиши арасида ён-атрофда истикомат қилувчи аҳоли, маҳалла фаоллари, нафақадаги боғча ходимлари, мактаб ўқитувчилари эъзозли меҳмонлар сифатида дастурхон атрофидан жой олишди.

Тадбир бошланиши олдида карнай-сурнай садолари остида катта

ва мактабга тайёрлов гуруҳлари кириб келишди. Байрам эрталигини Иноғом Юнусов маҳалласи оқсоқоли О.Абдувалиев очиб берди.

416-мактабга-ча таълим муассасаси мудириси М.Мираҳмедова тарбияланувчилар ва меҳмонларни байрам билан қутлагач, навбат болажонларга келди. Улар турли миллий ўйинлар, айтишувлар, қўшиқлар байрамга атаб ёдлаган шеърларини ижро этиб, тарбиячилари қўйилларини худшуд қилишди. Айниқса, мактабга тайёрлов гуруҳи болалари ҳозиржавобликлари ва зукколиклари билан йиғилганларни хайратда қолдиришди.

Шунингдек, байрам эрталигида тарбиячилар иштирокида турли сахна кўринишлари намойиш этилди. Айниқса, Доно бувининг набиралари байрамга келгани болаларда катта қизиқиш уйғотди. Доно буви болажонларга Наврўзи оламнинг тарихи, сумалакнинг пайди бўлиши ҳақида ривоятлар, миллий урф-одатлар, аллалар, айтишувлар ҳақида



сўзлаб берди.

Сихат-саломатлик йилида болаларни янада чиниктириш мақсадида муассасида турли спорт тўғрақлари фаолият кўрсатмоқда. Бинобарин, спортсевар тарбияланувчилар шу кунга арқон тортиб, кураш тушдилар. «Ким эгичилу ким чаққон?» эстафеталари, қувноқ стартларда бор маҳоратларини ишга солишди.

Ўйлаيمизки, ҳаяжонли лаҳзаларга бой, кўтаринки руҳда ўтган байрам тадбири иштирокчилар ёдида узоқ вақт сақланиб қолади.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: Ҳамза туманидаги 416-мактабга-ча таълим муассасасида байрам эрталиги мана шундай қувноқ ва қизиқарли ўтди.



МАҲАЛЛАДА ҚЎШ ТАДБИР

Шаҳримиз маҳаллаларида Наврўзи олам шодибаналари кўтаринки руҳда, аҳолига муруват ва саховат кўрсатилгани ҳолда кенг давом этмоқда.

Собир Раҳимов туманидаги асосан кўп қаватли уйлардан ташкил топган Чустий маҳалласидаги Наврўз байрами тадбири ҳам маҳалла фаолларининг саъй-ҳаракатлари билан жуда чиройли тарзда ўтди.

Маҳалла худудидида жойлашган «Регистон» маросимлар марказига маҳалланинг нуруний отахон-онахонлари, кам танилланган, ёрдамга муҳтож оилалар вакиллари таклиф этилди. Йиғилганлар бир пиёла чой устида дилдан мулоқот қилишди, баҳорнинг тансиқ таомлари — сумалак, кўк сөмсалардан баҳраманд

бўлишди.

Тадбирга ташриф буюрган маҳалла аҳлини Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фариди Абдураҳимова, шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Рихсигилла Ақромов, туман ҳокими Бахтиёр Ҳақимов ва бошқалар яшариш ва янгилашиш байрами билан қизгин қутлашди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Наврўзи оламга бағишланган тадбирга ҳамохан қавишда уруш ва меҳнат фахрийси, толмас жамоатчи, ушбу маҳалланинг илк оқсоқоли Фатҳулло ота Назруллаевнинг қулғу саксон ёшга тўлиши муносабати билан «Мехрибонсиз, устозсиз — хайрли

ишда кўмаксиз» мавзусидаги эъзоз мусиқа-қошиқ кеча ҳам ташкил этилиб, маҳалладошлар, қатнашчилар Фатҳулло отага ўзларининг энг эзгу дил ихроқларини билдиришди.

Аҳил ва баҳамжиҳат Чустий маҳалласида доимо меҳр-муруватга муҳтож кишиларга боҳли-қудрат хайрия кўмаги кўрсатиб борилади. Бу гал ҳам тадбир давомида маҳалланинг фахрий отахон, онахонлари, ёрдамга муҳтож аҳлига совғалар топширилди.

Муҳаммадҷон Шокиров бошчилигидаги «Муҳаммад Гармон» ансамбли ҳамда «Тановар» дастасининг ҳушовоз хонандаси Муҳаммадҷон Раҳматов ижросидаги дилтортар, ширали қўшиқлар Наврўз тадбирига ўзгача шуқуҳ ва тароват бахш этди.

Дамир ИСМАТОВ.

САРМОЯДОРЛАР ЖАЛБ
ҚИЛИНМОҚДА

Пойтахтдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг инвестиция салоҳияти тақдироти бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган элчихоналар, халқаро ташкилотлар, банклар, маҳаллий ва хорижий компанияларнинг икки юздан ортиқ вакиллари иштирок этди.

Тақдирот маросимида Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Азимов сўзга чиқиб, энгил саноат Ўзбекистонинг энг асосий тармоқларидан бири эканлигини ҳамда хорижий сармоядорларнинг иш олиб боришлари учун мамлакатимизда яратилган қулай сармоявий муҳит ва ҳуқуқий асослар ҳақида маълумот берди. У сармоядорларни энгил-саноат тармоғига энг замонавий дастахонларни олиб келишга чақирди. Шунингдек, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг энгил-саноат соҳаси асосий эътиборни пахтадан тайёр маҳсулотлар тайёрлаб хорижга экспорт қилишга қаратаётганлигини ва бу борада сўнгги

йилларда яхши натижаларга эришилаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси раиси Ўззамхон Баҳромов хорижликлар билан олиб борилаётган ҳамкорлик, бу борадаги лойиҳалар йил сайин ортиб бораётганлигини эътироф этди. У ўз маърузасида асосий эътиборни соҳанинг сармоявий имкониятига қаратиб, иштирокчи вакилларни мамлакатимиз энгил саноатида янада фаолроқ иштирок этишга ундади.

Ташкилотчиларнинг таъкидлашларича, мазкур анжуманда фақат ахборот алмашиш билан чекланиб қолмайди. Маърузалардан сўнг аниқ сармоявий лойиҳалар муҳокамаи ва хорижий сармоядорларни Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида киритилган янги имтиёзлар ва эркинликлар билан таништириш масаласида бизнес учрашувлар ўтказилади. Мунозаралар жараёнида сармоядорлар ва давлат идоралари вакиллари ўртасида 2005-2008 йилларга мўлжалланган тўқимачилик тармоғига жалб қилинаётган сармоялар дастури ҳам муҳокама қилинди.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

Ҷаъоб — тежамкорликка гаров

СИФАТЛИ ВА КАФОЛАТЛИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъмуракетининг 2005 йил 11 февралдаги "Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига замонавий ҳисобга олиш приборларини ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш дастури тўғрисида"ги қарориди табиий ҳақ, совуқ ва иссиқ сув, иссиқлик энергияси учун ҳисоблагичлар ўрнатишни тугаллашнинг аниқ муддатлари кўрсатилган бўлиб, албатта тежамкорликда муҳим омил бўлаётган бундай асбоблар аҳамиятини, ўрнини уни ўрнатган хонадон эгалари аниқ сезишмоқда.

Биргина совуқ сувни оладиган бўлсак, унинг ҳар бир хонадонга ўз вақтида, тоза ва санитария ҳолатида кириб бориши учун соҳа ходимлари анчагина машаққат чекиши баробарида кўплаб маблағ ҳам сарфланади. Ҳисоб-ки-тобларга қараганда, пойтахтимиз аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш учун ўрта ҳисобдаги бир кунлик харажат 30-35 миллион сўмни ташкил этади.

Яна шунга таъкидлаш ўринлики, ўтказилган мониторинглар ўрнатилаётган ҳисоблаш ускуналари хонадонларда сув исрофгарчилигининг олдини олаётгани, сарфинга яраша ҳақ тўлашда муҳим аҳамият касб этаётганини кўрсатмоқда.

Айни пайтда эса шаҳримизда фаолият "TOSHKENT-ZENNER" Ўзбекистон-Германия-Люксембург қўшма корхонаси жамоаси совуқ сув ҳисоблагичларни ишлаб чиқариш баробарида уларни хонадонларга сифатли ўрнатиш ишларини ҳам бажаришмоқда.

Бунинг учун эса "Сувсос трести" давлат унитар корхонаси билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда.

Ўрнатиш ишларини 2002 йил март ойидан бошлаганимиз, — дейди қўшма корхона монтаж участкаси бошлиғи Илёс Асадов. — Бунинг афзал томони шундаки, бизнинг пайвандчи бригадаларимиз ишчилари корхонамизда махсус тайёргарликдан ўтган бўлиб, ўзимизда тайёрланаётган ҳисоблагичларни қай тарзда, қаерга ўрнатиш лозимлигини жуда яхши билишади. Шунингдек, асосий мақсад корхонада ишлаб чиқарилган сертификатланган ҳисоблагичларнинг фақат ўрнатиб қўйиладигани эмас, балки ишлашнинг назорат қилиш, тежамкорликдаги фойдасини кўриш, сув исрофгарчилигининг олдини олиш ҳамда оила бюджетини ортиқча сарф-харажатдан ҳалос этишидир. Шу ўринда яна таъкидлаш ўринлики, корхонамиз таъсисчиларидан бўлиши Германиянинг етакчи "ZENNER" фирмаси жаҳон миқёсида эътироф этилган бўлиб, ҳозирда 40 дан зиёд давлатларда филиалларига эга. Энг муҳими, жаҳон бозориди махсус лотлари билан муносиб ўрин эгаллаган. Шу боис корхонамизда ҳам йилга 100 минг данадан зиёд сув ҳисоблагичлар ишлаб чиқариш ва шартнома асосида ўрнатиш бериш имконияти мав-

ди. Истеъмолчи ўз шароитига қараб 2 ёки 4 йилда ушбу маблағни ойма ой тўлаши мумкин. Жумладан, 4 йилга шартнома тўзганлар ойига 687 сўм, 2 йиллик шартнома асосида эса ойига 1375 сўм пул тўлаб боришади. Яна шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш жоизки, айрим истеъмолчиларимиз ўзлари сотиб олган ҳисоблагичларни ўрнатишадилекин улар бозордан олинганлиги учун кафолат муддати йўқ, бунинг устига бўзилиб қолса бутловчи керакли ашёсини тополмай сарсон бўлишади. Шу боис ҳам арзонини эмас, балки сифатли ва кафолатли ҳисоблагичларни танлаш фойдадан ҳоли бўлмайди. Бунга эса бир неча йилдан буён ўз тажрибамизда

Сирасини айтганда, ишбилармон ва талабчан ширкат раиси Абдулазиз Туронхўжаев раҳбарлигида барча уйлари қамраб олишга, режа асосида тубдан таъмирлаш ишларини бажаришга, ён-атрофини ободонлаштиришга катта эътибор қаратилди. Энг муҳими эса яшовчиларда мулкдор сифатида мулкка эгалик ҳисси шаклландирилди. Шу боис ҳам ушбу ширкат пойтахтимизда энг ибратли ширкат сифатида мукофотга сазовор бўлди.

Республика Президентининг "Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори эълон қилинган эса барча ширкатлар қатори "Меҳри Турон" учун ҳам янада яхши фаолият кўрсатиш, уй-жойлар ҳолатини яхшилаш, яшовчилар билан алоқани мустаҳкамлаш имконияти яратилди.

— Юқориди қарор асосида уй-

жой мулкдорлари ширкатларининг уюшмалари ташкил этилиши айни муддао бўлди, — дейди Абдулазиз Туронхўжаев. — Уларнинг бир қатор асосий вазифалари сирасига уй-жой мулкдорлари ширкатларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиш, ширкат раҳбари ва кадрларини тайёрлаш, ашқил эт ҳам қиради. Албатта, кадрлар масаласига қаратилган эътибор ширкат фаолиятида катта самара бериши аниқ. Негаки, ширкат раҳбари аввало соҳани жуда яхши билиши, кадрларни танлаб олиши керак. Биз бу борада анчагина тажрибамизга эгамиз. Яна шунга алоҳида таъкидлашни истардимки, ширкатга бирлашувчи уйлар сонининг қайта қўриб чиқиши ишимизни анчагина осонлаштирди. Бунга ўз ширкатимиз мисолида кўрадикан бўлсак, биргина бизнинг ширкатимиз тасарруфидаги уйлар 6 та мустақил ширкатга бирлашди. Айни

Ширкат — ибрат

ИМКОНИЯТЛАР КЕНГАЙДИ

Ҳамза туманидаги "Меҳри Турон" уй-жой мулкдорлари ширкати ўз тасарруфида 44 та кўп қаватли уйни бирлаштирган эди. Албатта, ушбу уйларда яшовчиларга намунали хизмат кўрсатиш, камчилик ва муаммоларни ечишда ҳамжихатликда меҳнат қилиш ўз самарасини берди.



пайтда "Меҳри Турон" уй-жой мулкдорлари ширкати 11 та уйни ўз тасарруфида олиб қайта ташкил

этилди. Барча ширкатларни ташкил этиш учун яшовчилар билан умумий йиғилишлар ўтказилди.

УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХИЗМАТИ: ИСТИҚБОЛ ВА МУАММОЛАР

Муқоохаба

ЮТУҚЛАР ОМИЛИ — ИЗЛАНИШДА

Маълумки, ҳозирги кунда уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини яхшилаш, соҳадаги мавжуд муаммоларни тез фурсатларда бартараф қилиш, умуман, коммунал хизмат ишларини замон талаблари даражасида тубдан ислоҳ этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айтиш лозимки, бугун, бу борада бирмунча ишлар қилинди. Бироқ ечимини қутаётган масалалар етарли. Ҳамза тумани уй-жойларни капитал таъмирлаш ва авария тиклаш хизмати директори Собиржон ХОЛИМЕТОВ билан суҳбатимизда шу мавзу доирасидаги мавжуд ютуқ ва камчиликлар имкон қадар таҳлил қилинди.

— Собиржон Султонниёзович, энг аввало давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган соҳага оид Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида туман миқёсида нималарга эътибор қаратишмоқда?

— Президентимизнинг "Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори биз соҳа мутасаддилари зиммасига жуда катта масъулият юкляди. Шу маънода уй-жой мулкдорларининг ўзларида ҳам коммунал соҳа ишларига хайрихоҳлик, ҳам-жихатликда иш яритиш, лоқайд ва берафқ бўлмастик бугунги куннинг муҳим шартларидан бири эканлигини тушуниб етишишда ҳам омил бўлмоқда.

Энди асосий мавзуга кўчадан бўлсак, туманимиз ҳудудиди 36 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари мавжуд бўлиб, улар 862 та кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатади. Ҳозирда кўп қаватли уйлар тўлиқ хатловдан ўтказилиб, мавжуд коммунал муаммоларни бартараф этишга киришилди. Бунда кўпроқ алоҳида турган гаражлар сони, уйларнинг ертўла, том, эшик, ойналари рўйхатга олиниб, уларни жорий таъмирлашнинг жадваллари тузиб чиқилди. Таъкидлаш керакки, бу борада уй-жой мулкдорларининг ўзлари ҳам қараб турганлари йўқ. Ҳатто уларнинг орасида ташаббус кўрсатиб, таъмирлашга уринганлари ҳам бор. Демак, мулкдорлар давлатимиз томонидан олиб бориладиган халқлик сиёсатининг моҳиятини тўғри англаб етмоқдалар...

— Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ички бўлишлари қай тарзда амалга оширилмоқда? Улар эски ЖЭК тизмининг такрори бўлиб қолмаслиги учун нималарни амалга ошириш зарур деб ўйлайсиз?

— Шу вақтга қадар туманимизда 36

та уй-жой мулкдорлари ширкатлари мавжуд эди. Қарордан сўнг, 5-10 тадан кўп қаватли уй, яъни 500-600 тадан хонадонларга эга бўлган ширкатлар ташкил этилди. Уларнинг сони 84 тага етди. Янги ташкил этилган ширкат раҳбарлигида 3 тадан номзод танлаб олинди, улардан энг лаёқатли, қўлидан иш келади, деб топиладиган олдирини маҳаллалар оқсоқоллари иштирокида суҳбатлар ўтказилди. Шунда ҳам масала ижобий ҳал этилмаси, юқориди таъкидланган қарорга келиниши мумкин. Айтиш лозимки, ҳозир бизда 3900 та уй-жой мулкдорининг иши судга оширилган. Ҳатто қатий чора кўриш мақсадида мол-мулкни ҳам давлат фойдасига мусодара қилишга мажбур бўлишмоқда.

— Соҳага ҳомийларни жалб этиш масаласи қандай ҳал қилинмоқда?

— Ҳисоб-китоб қилиб кўрсак, туманимизда 1120 та юридик субъект бор экан. Уларнинг раҳбарлари билан келишиб олинди. Бугунги кунда тўлиқ ҳомий ташкилотлар кўмағида иш олиб бориш мумкин. Жумладан, "Лок колор-синтез" қўшма корхонаси 2 тонна бўёқ берди. Тошкент вино заводи 100 миллион сўм ажратмоқчи. Ана шундай ўзаро ҳамкорлик, кўмак таъсири ўлароқ, 353 та ертўладан 228 таси тозаланди. 2220 та темир эшикдан 80 таси ўрнатилди. 3010 та таъмирталаб кириш йўлақларидан 101 таси битирилди. 307 та ноқонуний қурилмадан 165 таси олиб ташланди.

Умуман олганда, халқимизда излаган имкон топади деган мақол бор. Шу боис, ҳамма ютуқлар омилга битта — яъни, қаердаки изланиш бор бўлса, ўша ерда иш суръати ортади. Ютуқларнинг асосий омилга ана шундай!

Суҳбатдош Хидирали ПАНЖИЕВ

фирк-мулоҳазалар ўрганилди. Албатта, аввалги ширкатимиздаги уйларга анча меҳнатимиз сингган, яшовчилар эса қадрдонларимизга айланиб қолишган. Ана шунга ҳисобга олиб янги ширкат раисларини ҳам ўзимизда тажриба орттирган, ишининг кўзини биладиган ходимлардан сайлашга яшовчилар рағбат билдиришди. Мен эса уларга ҳаммиша ёрдамга тайёрман.

Янги ташкил этилган 624 хонадондан иборат ширкат уйларининг аҳоли Абдулазиз акага беш кўлдай аён. Негаки ўзи ҳам ана шу уйларнинг бириди яшайди. Шу боис ҳам уйлар ҳолати бўйича янги режалар тузиб чиқилди. Бунинг учун умумий мажлис ўтказилиб, фирк-мулоҳазалар йиғилди. Эндиги эътибор нималарга қаратилиши аниқ белгилаб олинди. Ана шунга кўра ушбу уйларнинг 52 та йўлаги таъмирланди, жорий йилда 31, 32, 33-уйлар капитал таъмирдан чиқарилади.

— Насиб этса, уч ойда меҳнатимиз самарасини яшовчиларга кўрсатиш ниятидамыз, — дейди Абдулазиз ака. — Биринчи кунда оқободонлаштиришга эътибор қаратдик, ариқлар тозаланди. Ҳозирда гаражларни тартибга келтираймиз, йўлақлар таъмирланаёти. Уйлайманки, аҳолига ваъда эмас, иш керак, уларнинг ишончини оқлаш керак. Агарда аввалги ширкатда кунига бир марта ҳудудни айланиш имконияти бўлса, эндиликда бу имконият 4 баробарга ортади. Мақсадимиз пойтахтимизда энг намунали ширкатлар қаторидан ўрин олиш экан, бунинг учун имкон топамиз, изланамиз, сай-ҳаракатларимизни асло бўшаштирмаймиз. Ахир яшовчилар бизни қўллаб-қувватлашмоқда. Мана шунинг ўзи катта имконият эмасми?!

Диляноза СОДИҚОВА
СУРАТДА: ширкат ходимлари Илхом Худойбергенов ва Антонина Солдатовалар меҳнатидан аҳоли ҳаммиша мамнун.

Дилдаги гашлар

ЧЕТДА ТУРИШ ЯРАШМАЙДИ

• Муқаррам БОЛТАЕВА, кўп қаватли уйда яшовчи мулкдор:

— Менимча, уй-жойни, унинг ораста ва покизалигини сақлашда у яқка тартибдами ёки кўп қаватли аҳолининг йўқ. Фақат озгина эътибор, ҳафса бўлса хар қандай уйда ҳам яхши яшаш, ўзингиз учун етарли шарт-шароит яратишингиз мумкин.

Биз оиламиз билан кўп қаватли уйда яшаймиз. Йўлақдаги кўшнлар бир-биримиз билан аҳил бўлганимиз боис таъмирлаш ишларини ўзимиз бажарамиз. Йўлақларни хар кун навбат билан тозалаш туришга ҳаракат қиламиз. Уй-жой мулкдорлари ширкати тузилганда ҳам ўз фирк-мулоҳазаларимизни умумий мажлисда баён этдик. Уй бошқарувчиси эса ҳаммиша ширкат ва хонадон эгалари ўртасидаги ҳамкорликни сақлашга интилади. Шу боисми тўловларни кўпчилик ўз вақтида тўлашди. Хуллас, хар қандай муаммоларни биргаликда ечамиз.

Тўғри, гурч курмақис бўлмаганидек, бизда ҳам айрим хонадон эгалари кўпгина ишлардан ўзини четга олади. «Менга нима?» қабилида иш юрилади-да кейин «Ширкат ҳеч нарса қилмаёпти» дея шикоят қилишади. Шунда уйлаб қола-

Ҳузур

СОҒЛИҚҚА ЗАРАР-ҚУ

Саломатлик — туман бойлик, деб бежизга таъкидламаймиз. Ана шу бойликни асраш эса кўпгина ўз қўлимизда бўлиб, лоқайдлигимиз тўғрисидаги ҳақиқатларни эсимизга эриштириш керак. Ҳозирдаги ҳақиқатларимиз, Ҳатто қатий чора кўриш мақсадида мол-мулкни ҳам давлат фойдасига мусодара қилишга мажбур бўлишмоқда.

— Соҳага ҳомийларни жалб этиш масаласи қандай ҳал қилинмоқда?

— Ҳисоб-китоб қилиб кўрсак, туманимизда 1120 та юридик субъект бор экан. Уларнинг раҳбарлари билан келишиб олинди. Бугунги кунда тўлиқ ҳомий ташкилотлар кўмағида иш олиб бориш мумкин. Жумладан, "Лок колор-синтез" қўшма корхонаси 2 тонна бўёқ берди. Тошкент вино заводи 100 миллион сўм ажратмоқчи. Ана шундай ўзаро ҳамкорлик, кўмак таъсири ўлароқ, 353 та ертўладан 228 таси тозаланди. 2220 та темир эшикдан 80 таси ўрнатилди. 3010 та таъмирталаб кириш йўлақларидан 101 таси битирилди. 307 та ноқонуний қурилмадан 165 таси олиб ташланди.

Умуман олганда, халқимизда излаган имкон топади деган мақол бор. Шу боис, ҳамма ютуқлар омилга битта — яъни, қаердаки изланиш бор бўлса, ўша ерда иш суръати ортади. Ютуқларнинг асосий омилга ана шундай!

Суҳбатдош Хидирали ПАНЖИЕВ

ман, наҳотки улар ширкат бу ўзлари эканлигини, хар бир мулкдор намунали, тоза ва қулайликлари мавжуд уйда яшашни истаса, ўзлари аъзо бўлган ширкат ишлариди катнашиш лозимлигини тушунишмаси. Шунга унутмаслик лозимки, агарда ўз уйимизни ўзимиз сақламасак, умумий мулкчимизни асрамасак, четдан ҳеч ким бу борада қайғурмайди. Шу боис ҳам кўп қаватли уйда яшар эканмиз, ҳеч бўлмаса қўлимиздан келадиган ишларни биргаликда бажариб, ширкат фаолиятига ёрдам берайлик. Ахир уч-тўртта зинани тозалаш, йўлақларни оқлаш, бўяш, ховлиларни ораста сақлаш — бу қўлимиздан келадиган ишларку. Четда турганларни эса яхши ишлар ҳам четлаб ўтади.

ТАНАСИ БОШҚА ДАРД БИЛМАС

• Сайдулла ҒУЛОМОВ, хизматчи:

— Албатта, хар бир ишда раҳбар, тadbirkor бўлса, ўз соҳасини мукаммал билса, муваффақиятларга эришиш ҳам осон кечади, қўзланган мақсадларга эришилади. Шу жумладан, уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарлари ҳусусида тўхтайдиган бўлсак, у коммунал соҳани яхши тушуниш баробарида ўзи ҳам кўп қаватли уйда яшаш, шароитдан хабардор бўлиши керак. Негаки бежизга «Танаси бошқа дард билмас», дейишмайди-да. Шунинг учун мулкдорлар ширкат раисини тайинлаётганда шу нарсаларга эътибор қаратишлари жуда муҳим аҳамият касб этади.

лар ховлисидаги аҳоли. Бир қадам нарида ахлат қутилари туриб, чиқиндиларни у ерга ташлашга эришишлари етмаганидек, ёкиб юборганига нима дейсиз?

Шунингдек, 19-мавзудаги 37-мактаб (2-сурат) олдидаги аҳоли ҳам шохримиз хусусига доғ бўлиб турибди. Ахир ям-яшил дарахлар билан қопланган шундай бўлим жойни тартибга келтириш учун бирор-та жонқуяр топилмайдими?

БЕПАРВО ХОНАДОНЛАР

Ахлат ва чиқиндиларни белгиланган жойга эмас, балки ховлиннинг келган ерига ташлаб кетаверсангиз (3-сурат), Чилонзор тумани, 20-мавзуда жойлашган 20-уй атрофидаги ҳолат содир бўлиши аниқ. Энг ажабланирлики эса бундай но-



хуш ҳолатдан хонадон эгалари хижолат ҳам чекишмайди, қайрилиб ҳам қарашмайди. Тўғри, хонадонларнинг ўз ораста, хаттоки европа услубида таъмирланган ҳамдир. Лекин ховли ҳам сизники-ку, уни покиза сақлаш, фарзандларингизга ибрат кўрсатиш, уларни тозаланишга ўргатиш бунингиз эмасми?

Алексей Попов ва Хакимжон Солихов олган суратлар.



муҳими эса ҳозирда сув ҳисоблагичлар тайёрлаш учун керакли бўлган бутловчи қисмларнинг 40 фоизи ўзимизда ишлаб чиқаришмоқда.

Утган йилда қўшма корхонанинг монтаж участкаси томони-



Чиндан ҳам сув — ҳаёт манбаи, тирим мавжудот борки, ундан баҳра олади. Уни истеъмол қилиш баробарида келажак авлод учун ҳам авайлаб-асрашимиз хар биримизнинг бурчимиздир. Ана шу бурчини бажаришда, тежамкорликка эътиборда, исрофгарчиликнинг олдини олишда ҳисоблагичларнинг ўрни беқийёслигини хар бир истеъмолчи дилдан ҳис этиб, усқунани ўрнатишга шошилса, фақат ўзига фойда. Шу билан бирга юқориди қарор ижросини таъминлашда ҳиссаи муҳим бўлади. Ахир хар бир қарор оқилна бажарилиши билан аҳамиятлидир.

Бир сўз билан айтганда, оби ҳаёт мўл бўлсин, лекин унинг ҳисобини ҳам унутмайлик. Чунки исрофнинг, албатта уволли бўлади.

Шарифа ИЛЕСОВА
СУРАТЛАРДА: чилангар Шухрат Рустамов (чапда) Сергели тумани, "Кўйлик-6" мавзесидаги 5-уй, 50-хонадонда яшовчи Юнус ва Фахриддин Рашидовларга совуқ сув ҳисоблагич ҳақида маълумот бермоқда; пайвандчи Дилшод Рустамов хонадонга совуқ сув ҳисоблагич ўрнатмоқда.
Ҳакимжон Солихов олган суратлар.

Шарқ дурдоналари

**Оз-оз ўрганиб
Домо бўлув...**

● **ХИКМАТ.** Бир ҳакимдан сўрадилар: «Қандай сафар энг узок сафар?» Жавоб берди: «Садокатли дўстни кидириш сафари!» Байт:

**Кидирган нарсани топиш мумкинدير,
Бироқ содик дўстни топмоқ муаммо!**

● Абул Аббос шундай дер эди: «Очликдан бетақат бўлмаганимча, асло таом емадим, шунинг учун табиғга ҳеч ичим тўшмади!» — Фард:

**Табобатда шундай ёзганим кўрдим,
Очлик даво эрур барча иллатга!**

● Ейиладиган овқатлар тоза ва соф бўлмоғи керак. Масалан, офат етмаган тоза бўғдой, шу бўғдой унидан килинган овқатлар, гўшт эса соғлом ҳайвон гўшти бўлиши билан бўлса яхши пиширилиши, шарбатлар мижозга мос бўлиши, узум ва анжир каби мевалар эса яхши пишган бўлиши лозим.

Камолиддин Исмоил Бухорийнинг тиб китобида ёзилишича, кишининг қорни тўқ бўлса-ю, бошқа овқат олдиға келтириб қўйилса, ундан асло емаслиғи керак. Бундан ташқари қаттиқ ва оғир меҳнатдан кейин нозик овқатлардан, суг ва балиққа ўшган нарсалардан еб бўлмайди. Чунки бу пайтда ошқозон ниҳоятда кизиб кетган бўлади ва унга тушган нозик овқатлар кизиб кетиб, тезда бузилади. Ошқозонда иссиқлик ўрнаб қолган кишилар совуқ овқатлардан тановул қилишлари, масалан, гўр узум ёки ошқовок ейишлари керак.

● **ХИКОЯТ.** Айтишларича бир бадавлат кишининг аяққа яғона ўғли бўлиб, у ниҳоятда исрофчи ва беҳуда сарфловчи эди. Байт:

**Давлат ўйин учун эмас жаҳонда,
Ўзни сақлаш учун доим омонда!**

Ота ўз ўғлининг ноқобил эканини билгани учун олдиндан чора кўриб, ўлар пайтида унга насихат қилиб деди:

— Эй ўғлим, мен ўлганимдан кейин бойликларимнинг бари сенга қолади. Ишончим комилки, сен уларнинг бари-ни беҳуда сарфлаб битираман. Қўлингда ҳеч нарса қолмай, очлик ва ночорлик билан охири улимнинг рози бўласан. Мен нариги ўйининг бурчағидиғи томинг шилғиға бир арқон боғлаб қўйибман. Жондан тўйган пайтингда ўзингни ўша арқонга осгин!

Ота шу гапларни айтиб жон берди. Ноқобил ўғил кўп ўтмай барча пулларни сарфлаб тамомлади. Охири гадолик қилишдан ор қилиб ўзини осиб ўлдиришга қарор қилди. Отаси тайинлаб кетган уйга кириб, арқоннинг учини бўйниға солиб, ўзини осди. Том тўсини уни кўтаролмай синиб ерга тушди. Шу он тулроқ аралаш отаси атайлаб ўғли учун берkitиб кетган бойликлар ҳам ерга тушди. Меҳнат билан топиладиган бойлик қадрини тушуниб етган ўғил энди пулни ўйлаб ишлатадиган, хайрли йўлларга сарфлайдиган бўлди. Отаси хотираси учун халкни хушнуд қилишга ва саховат нуридан баҳраманд қилишга киришди. Назм:

**Кишида бўлмаса давлат удир хок,
Давлатли кишиға жаҳонда не бок!
Давлат гоҳи келиб, гоҳида кетар,
Бефаҳм кишилар ўзни йўқотар.**

Орамизда шундай одамлар борки, уларнинг юлдузлари шўъласи кишилар қалбини яшнатиб, улар маънавиятини янада мунаввар этиб туради. Улар ўзларининг жонкуярлиги, тиниб-тинчимаслиги, ҳамisha ўзгалар дардиға малҳам бўлиши билан ўзгаларда ифтихор туйғусини уйғотдилар ва кишилар қалбига эзгуликдан ҳайкал ўрнатиб кетадилар. Юқориде санаб ўтган фазилатларни ўзида мужассам этган, эзгуликни ўзининг кундалик ишларига айлантириб олган, эртанги кунимиз давомчилари нафақат жисмонан соғлом, балки уларнинг руҳан баркамол, маънан етук бўлиб ривожланиши йўлида иш олиб бораётган, тарих фанлари номзоди, «Шухрат» медали соҳиби, элшунос олим Билол Аминовдир. У кишининг сайёҳаракатлари билан шахримиздаги Мирзо Ғолиб маҳалласида «Нафис санъат» ҳамда «Хикмат — ибрат» маскани ташкил этилди. Бу масканға маҳалланингни ўндан ортиқ турли ёшдаги фарзандлари жалб этилган ва машғулотлар олиб борилади. Билол Аминов

уларға Ўзбекистон халқ шоири, марҳум Пўлат Мўминнинг ҳамда ўзларининг «Ен дафтар»дан олинган ҳикматларини меҳр билан ўргатиб, ёшлар

бурроликни кўриб завқланиб, хаузурланиб кетасиз. Билол акунинг бу эзгу, ибратли ишларини биз ҳам ўз маҳалламизда баҳоли қудрат давом

«жон» байрами қайтадан тикланди. Ўтган йили қатта сайил байрам тантаналари кўтаринки руҳда, эсда қоларли даражада ўтказилди ва бу байрам бир ой давомида ўлка кезди. Устознинг уйиға қачон ташриф буюрманг, уларни қоғозларға кўмилган ҳолда, иш устида кўрасиз. У киши билан сўхбатлашиб руҳиятингиз енгил тортади, биронта янглик оласиз ва осуда яшашға, ҳаётға бўлган ишонч янада ортади. Устоз ҳар нарсадан эзгулик кидириб яшашға ўрганганлар.

Ҳамиша руҳи ўфтоқ, жонсерак, ўзгаларға фақат яхшилик илнвучи, замона дарди — мени дардим деб яшовчи, миллий қадриятларни ҳамisha тарғиб қилувчи, ёшлар қалбига фақатгина эзгулик уруғини сочувчи устозға чин дилдан ҳавас қилса арзийди. Шундай бағри кенг Инсонлар билан замондош бўлиб яшаш, улар билан бир ҳаводан нафас олишининг ўзи ҳам кишиға хузур бунг этади.

**Гулчехра КАРИМОВА
СУРАТДА: элшунос Олим
Билол Аминов (чапда)
дўстлари даврасида.**

Шундай кишилар бор бўлсан

ҲОРМАНГ, БИЛОЛ АКА!

Ҳаётнинг гултожи бўлган Инсон бир умр эзгуликка интилиш билан яшайди. Ҳаётда ҳар кимнинг ўз ўрни, тақдири, қадри, бахтиёрликка туташ умр лаҳзалари бор.



қалбида ўзлари тугилиб ўсган заминға муҳаббат хис-туйғуларини уйғотиб, ҳамisha гўзалликдан завқланиб, яхшиликлардан ҳайратланиб боришға ўргатиб борадилар. Билол Аминовнинг шоғирдлари билан кўришиб қолсангиз, улар кўзидаги нур ва тилларидаги

тиряпмиз. Кўпчилик устозни «Ватан — юракдаги жавоҳир», «Аждодларимиз муносабатлари», «Кулгумиз оламини тутсин» китоблари орқали танийди. Ўтган йили бевосита Билол Аминовнинг ҳаракатлари туфайли Наврўзининг қўш қаноти — эгизаги бўлган «Меҳр-

**НАВРЎЗИ ОЛАМ
НЕЪМАТЛАРИ ҲАҚИДА**

Ўлкамизға қаттаю-кичик орзиқиб кутган Наврўзи оламнинг кириб келиши ҳаммамизни чексиз қувонтиради. Ҳақиқатан баҳорнинг илк шабадаси келиш уйқотганға ўхшайди. Минг йиллик тарихға эга бўлган, халқимиз ўртасида эъзозланиб кутиб олинадиган баҳор байрамининг шоирларимиз томонидан **НАВРЎЗИ ОЛАМ** деб қуйланишида ҳам фалсафий маъно ётади. Чунки баҳор шабадаси бутун оламға меҳрибон она каби ҳаёт бағишлагандек бўлади.

Баҳорда атроф-муҳит яшил либосға бурқаниб бекиёс гўзаллашади, уни кўрган қаттаю-кичик ўзини яхши хис қилади, ҳар ким мана шу баҳор кезлари она-табиатға яна ҳам яқин бўлишға, баҳор нашьасини суришға ҳаракат қилади. Бу албатта табиийдир. Чунки ҳаммамиз она табият фарзандларимиз, биз табиатға қанчалик яқин бўлсак, уни эъзозлаб, ардоқласак у бизларға оналарға хос сахийлик ила ўзининг чексиз ноз-неъматларини ҳада этади.

Баҳор фаслида кишилар ўртасида бирон бир сабаб билан боғланмаган, лекин қайфиятға салбий таъсир қилувчи ҳолатларни тез-тез учратиб туриш мумкин. Шифокорға мурожаат қилган кўпчилик кишилар бир хилдаги шикоятларни билдирадилар: ухлаб уйкуға тўймайман, ўтирган еримдан тургим келмайди, жуда тез чарчаб қоламан, тинкам қурийдим, дармонсизман ва ҳоказо.

Мана шундай кўнгилсиз шикоятларни баҳор фасли аҳоли ўртасида тез-тез учраб туришининг сабабини, қарияларимиз «илк узилди» деб аташади. Баҳорда ёшу кекса бунни бошидан ўтказсади, яъни бошқача қилиб айтганимизда баҳорда одам организмидан қувват кетади, деган маънони билдиради.

Бундай кўнгилсиз ҳолатнинг келиб чиқишға овқат махсулотларида витаминларнинг камайиши, одамлар ўртасида гиповитаминоз касаллигининг содир бўлиши сабаб бўлади.

Хўш, бу кўнгилсиз ҳолатдан қутулишнинг йўли борми? Ҳа бор. Бу ҳолат баҳор фаслида тез-тез кузатилади, демак унинг давосини ҳам баҳор фасли ўзи билан олиб келгандир. Куз фаслида йиғиб-териб олинган озиқ-овқат махсулотларининг таркибидаги витаминларнинг миқдори турли сабабларға кўра ўртача 60-70 фоиз камайиб кетиши аниқланган. Демак, бу махсулотлар баҳорда организмнинг витаминларға бўлган талабини қондирмайди. Иссиқхона хўжалиғида этиштирилаётган турли хил кўкатлар, сабзавотлар уларға бўлган талабини тўла-тўқис қоплай олмайди. Бу кийин ахволдан қутулиш чораларидан бири ўлкамизға баҳор олиб келган, халқимиз томонидан эъзозланиб, кенг ишлатилиб келинаётган фойдалани ёввойи ошқўқлардир. Буларға мисол қилиб қуйидаги кўпчиликка маълум ва манзур ошқўқларни кўрсаташ мумкин: ялпиз, жағ-жағ, отқуллоқ, момақаймоқ, исмалоқ, семизўт.

Номлари зикр қилинган ёввойи ошқўқлардан турли хил таомлар пишириш

ҳозирги кунда тез-тез кузатилаётган гиповитаминоз касаллигининг олдини олиш чораларидан биридир.

Баҳор фаслида табиат инъом қилган мана шу ошқўқларнинг таркибида саломатлик учун жуда зарур бўлган турли хил витаминлар кўпдир. Улар айнан аскорбин кислотасига, В₁, В₂, РР, Р, К витаминлар ва каротинға бойдир. Шу билан бирға уларнинг таркибида турли хил фойдали минерал тузларнинг мавжудлиги мана шу ошқўқларнинг қимматини яна ҳам оширади. Ёввойи ҳолда кенг тарқалган фойдали ошқўқлар ўз таркибидаги витаминларнинг миқдори жиҳатидан маданийлашган ошқўқлардан қолишмас экан. Кузатишлардан шу нарса ойдинлашадики, эрта баҳордаги паст ҳарорат, юқори намлик ёввойи ошқўқларнинг таркибида одам организмизда энг зарур витаминлардан бири ҳисобланган аскорбин кислотасининг кўп йиғилишиға сабабчи бўлар экан. Ёввойи ошқўқлардаги витаминлар оз ёки кўп сақланиши уларнинг ранглириға ҳам боғлиқлигини унутманг, уларнинг ранглири қанчалик тўқ бўлса, таркибидаги витаминларнинг ҳам миқдори шунчалик кўп бўлар экан.

Кечи келганда яна бир нарсани айтиш лозим, кўпчилик ошқўқлар таркибидаги аскорбин кислотасининг миқдори эрта тонгдан то тушға қадар ортиб бориб, сўнгра пасайиб бориши аниқланган. Шу билан бирға организмнинг турли хил касалликларға қарши курашиш қобилиятини кучайтиришға, қўзининг ўткирлашишға сабабчи бўладиган каротиннинг турли хил ошқўқлардаги миқдори эса куннинг иккинчи ярмида, яъни қуёш нурунининг таъсири юқори ҳароратда бўлганида кўп йиғилиши аниқланган.

Халқимиз турли хил маданий ва ёввойи ошқўқлардан ҳар хил таомлар тайёрлаб келади. Масалан, турли ёввойи ошқўқлардан тайёрланадиган сомса ёки шўрва, чучваралар шўлар жумласидандир. Бу борада биз ҳаммаға маълум талабларға шуни қўшимча қилмоқчимиз, каротин ёгда эрув-

чи витаминлар гуруҳиға мансубдир. Демак, ошқўқлар таркибидаги каротиннинг яхши сингиши учун таом таркибида ёғнинг бўлиши фойдалан холи эмаслигини унутманг. Ошқўқларни қанчалик майда қилиб тўғрасангиз, улар таркибидаги каротин шунчалик кўп ажралиб чиқишға ёрдам берган бўласиз.

Ошқўқлардан иложи борица янгилиғида таом тайёрлаш фойдали эканлигини унутманг. Сўлиб қолган ошқўқлар таркибидаги кўпчилик витаминлар миқдори пасайиб кетишини эсда тутинг.



Умуман, ошқўқларнинг қайси ердан терилишиға ёки ўстиришға ҳам қатта эътибор беринг. Озиқий ошқўқларнинг кўпчилиги турли хил организм учун зарарли бўлган моддаларни, газларни ўзларида қолдириш хусусиятиға эга эканлар. Шунинг учун серқатнов кўча юзлариға яқин ерлардан ёввойи ошқўқларни теришға ёки йўл ёқаларига маданий ошқўқларни ўтказишдан ўзингини сақланг.

Турли хил кўнгилсиз оқибатларнинг олдини олиш мақсадида терилган ёки ҳарид қилинган ошқўқларни яхшилаб саралаб, водопровод сувида ювишни унутманг.

Ёввойи ошқўқлардан турли таомлар тайёрлаганинғизда ёш болаларға керагидан ортиқ едириш уларнинг қорин-ичак фаолиятиға кучли таъсир қилиши мумкин. Уларни бу фойдали ошқўқларға аста-секин ўргатиш керак.

Баҳорда учрайдиган дармонсизликнинг давоси ўзида ҳаёт омилни сақловчи турли хил ёввойи ошқўқлар билан бирға жуда кенг ишлатиладиган кўк пиёз, қашини, укроп, петрушқа, редискаларнинг аҳамияти беқиёсдир. Ўлкамизда кезаётган Наврўзи олам ўзи билан бирға бизларға дармонсизликка даво бўладиган бир олам ҳаётбахш озуқий ошқўқларни инъом қилган, Уларни тўғри танлаб, ишлатиш ўзимизға боғлиқ.

**Севара НОСИРОВА,
Республика Саломатлик институти
Тошкент шаҳар филиалининг
бўлим бошлиғи**

Жаҳон

матлақатларида

МАКЕДОНИЯ
БЎЙЛАБ САЁХАТ

Греция — худодлар назари тушган ўлка дейилади ривоятларда. Греция шимолида қадимий ва навқирон Македония ўзининг фусункор кўркини сақлаган ҳолда савлат тўкиб турибди. Бу ерда тоғ бағридан то денгиз соҳилигача бўлган ерларда мандарин ва лимон боғлари ястанган. Македонияликлар сахийқалб ва қувноқ кишилар бўлиб, ўз вақтларини кўнгилли ўтказишни одат қилганлар.

САЛОНИКА

Македония пойтахти — Салоника шаҳри эрамыздан аввалги 315 йилда бунёд этилган. Уни Македония шоҳи Кассандра суюкли рафиқаси Салоникага бағишлаб отагани муҳаббат рамзи сифатида қурдирган. Салоника Александр Македонскийнинг синглиси бўлиб, ҳусн-жамолда тенгсиз ва теран ақл соҳибаси эди. Салоника — Македония маданий ҳаётининг катта ўрин эгаллаган. Ҳатто у бир маҳаллар Рим империясининг пойтахти ҳисобланган. Ўрта асрларда бу шаҳар Византия империяси қўли остида бўлган, XV асрда эса Салоника усмоний турклар томонидан ишғол этилган. Шунга кўра, бу шаҳарда турли халқлар маданий меросига тааллуқли бўлган ёдгорликларни учратиш мумкин. Салоника рамзи ҳисобланмиш Оқ минора кўркам соҳилда муҳаббат тимсоли сифатида қад кўтарган. Македониянинг тоғ ҳавоси ва қандайдир қишлоқ ҳаётини эслатувчи табиати кишига ўзгача завқ бағишлайди. Македония ошхонаси маданий ва ҳаммабондир. Бу ерда фарб-ликлар ҳам, шарқликлар ҳам ўз дилидаги таомни тановул қилишлари мумкин.

БУЮК ТОҒ

Ярим оролнинг чеккасидаги Айон-Оросда Афон тоғи булутлар билан сирлашади. Айнан шу ерда дунёга машҳур монахлар уюшмаси жойлашган. Византия императори монахларни ҳамшиша қўллаб-қувватлаган, шунинг учун ҳам XV асрда бу ерда 20000 монах яшаган. Кейинчалик, усмонли турклар томонидан уларнинг сони кескин қисқартирилган. Ҳозирда у ерга сайёҳлар қўйилмайди. Бу ачинарли ҳолат, албатта, чунки Афон тоғи сирли ва мўъжизакор гўзаллик тимсолидир.

Сўнги йилларда «Ўзбекфильм» ижодкорлари томонидан ўнлаб янги киноасарлар яратилмоқда. Истеъдодли актёрлар ушбу соҳага эндигина қадам қўйиб келаётган ёш ижрочилар иштирокидаги янги турли мавзулардаги кинофильмлар кино санъати ихлосмандлари эътиборини тортмоқда. Мутахассислар томонидан эса кино соҳасида улкан рақобат, фильмларнинг савияси охиш бораётганлиги таъкидланмоқда.

Алишер Навоий номидаги санъат саройида яқинда «Ўзбекфильм» киностудияси томонидан суратга олинган «Дока рўмол куриши» мусиқали комедия фильмнинг тақдими бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққанлар янги фильмнинг муваффақияти

Мақдимоёт

«ДОКА РЎМОЛ ҚУРИШИ»

ҳақида гапиришди. Фильм режиссёри Шавкат Жунайдуллаев санъаткорлар ва ижодий гуруҳ билан ишлаш жуда қизиқарли кечганлигини таъкидлади.

Таникли драматург Шароф Бошбеков сценарийи асосида суратга олинган янги киносатмада эр-хотиннинг оиладаги ўрни ҳақида ҳикоя қилинади. Комедия фильмни яратиш жуда машаққатли кечса-да, фильмни суратга олиш ишлари истеъдодли ижодкорлар томонидан 33 кун ичида яқунланди. «Дока рўмол куриши» киноасари-

да бош ролларда эстрадамининг таникли юлдузлари Кумуш Раззоқова — Ширин, Қозим Қаюмов — Фарход, шунингдек, ёш актёрлар Нодира Зайнутдинова — Зухра, Акбархон Расулов — Тоҳир қиёфаларини талқин қилишди. Фильм оператори — Қўчқор Каримов, овоз режиссёри — Камолддин Усмонов, режиссёр Шавкат Жунайдуллаев, фильм директори — Аҳмад Аъзам. Ўйлаймики, янги фильм кино санъати муҳлисларига манзур бўлади.

Юлдуз УСМОН

Назми қилгани

ЁР ИШҚИНИ БАЁН ЭТДИМ

Муҳаббат боғини кезиб дилимни имтиҳон этдим,
Ишқ шаробин ичдим, яна руҳим равон этдим.
Ўзимни элу юрт ичра мисоли нотавон этдим
Димоғи зарпарастларни кўриб ширин забон этдим.
Муҳаббат жиласини тарафини бир жаҳон этдим.

Муроду мақсадим шулдир, элу юрт ёдида қолсам,
Мени эслаб юрар дўстлар бу дунёдан сафар қилсам.
Сабабсиз ҳеч бир иш бўлмас ёзиб фикрим баён қилсам,
Дилимни дурларини оқ қоғоз ичра чизиб қолсам,
Мисоли шеър эрур умрим ёзиб элга баён этдим.

Унинг ишқи бирла ёнсам дилимга қолмас армоним,
Унга етмоқ эрур мушкул пок ишқи гулу райҳоним.
Келиб раҳми менга назора қилса яшнагай жоним,
Ўзи бандам деса ширин ўтар ҳар лаҳза, ҳар оним.
Эганим зикрини пишқон тутибон чин макон этдим.

Янги ойдаи жамолни кўролмай зору-зор бўлдим,
Унинг фикри фироқда ёнибон беқарор бўлдим.
Висолу васлига етмоқ тилаб ҳуб интизор бўлдим,
Менга боқайму деб мушток ҳамшиша умидвор бўлдим,
Расулий қаҳридан кўрқиб, қуйиб, ёниб фиғон этдим.

РАНГИМ ҚИЛДИ СОМОН

Эй биродарлар, азизлар ичкилик ичманг зиён.
Мен ичиб не бўлдим охир қалдику рангим сомон.

Юз тириш, кўзлар хира, қўл қалтироқ, ҳолим забун,
Бор мадоримни қуритди, нотавон, мен нотавон.

Сигмас эрдим еру қўкка гар шимирсам шишадан,
Безди мендан дўсту ёрим шишадай тордур жаҳон.

Мард ичар дердим шаробни, мардлагимни кўрсатиб,
Оқибат лойга қоришдим бош кўтармоғим гумон.

Сўзларим чалқаш бўлиб илким қамишдек қалтироқ
Шунча ичдим шох чиқармай бўлмадим ҳеч қаҳрамон.

Бўлмагин майхўрла бирга эй Расулий ҳамтовоқ,
Бу товоқ сингай бошингда кўз ёшиңг бўлгай равон.

Султон РАСУЛИЙ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳурматли тадбиркорлар!

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси рақобатни ҳимоялаш мақсадида
МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

Агар сизнинг иш фаолиятингизга монополист корхоналар ва муайян товар бозорига катта улушга эга бўлган корхоналар турли кўринишларда тазйиқ ўтказса, уларнинг ўзаро келишувлари ва ноқонуний ҳаракатлари натижасида фаолиятингиз чекланса, улар билан шартномалар тузишда сунъий тўсиқларга дуч келсангиз,

ўз навбатида давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилишда чеклашлар жорий қилсалар, шартномалар тузишда рақобатчиларингизга устунлик берсалар, уларга атайлаб имтиёзли шароит яратсалар ёки сизнинг хўжалик фаолиятингизга ноқонуний равишда аралашсалар, ҳалол рақобатни чеклайдиган бошқа шунга ўхшаш ишларни амалга оширсалар, дарҳол Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий органларига мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Тадбиркорлик ва ишбилармонлик учун соғлом рақобат муҳитини яратиш ва уни ҳимоялаш — бош мақсадимиздир.

Биз сизнинг манфаатларингизни ҳимоя қиламиз.

Мурожаат учун телефонлар:

133-75-52, 133-07-26, 133-09-39.

Ҳалол рақобат муҳитида фаолият юритишингиз қонун билан кафолатланган.
Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси.

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»
республика бирлашмаси

Тошканбой Эгамбердиев номидаги Тошкент Давлат цирки

2005 йил 18 мартдан
ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

КУТИЛМАГАН ВОҚЕА

Тошкент Давлат циркида
ПАРИЖ-ТОШКЕНТ — ИСПАНИЯ
транзит йўли асосида жаҳонда ягона
РЕВЮ МУЗ ШОУСИНИ

18 мартдан бошлаб томоша қилишга шошилиң!
Цирк кассаларида ҳозирча чипталар бор.

Жума, шанба, якшанбада
Биз Сизларни ўз Шоумизда кутамиз Келганингиздан
афсусланмайси!!!

Томошаларга жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.

Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда. Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин. Касса эрталабки соат 9.00 дан очик.
Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.



Табриклаймиз!

Ҳурматли Ахтамжон МУҲАММАДИЕВ!

Сени 31 март — таваллуд кунинг билан самимий табриклайман. Фарзандларинг орзу-ҳавасини кўриб, ҳаёт завқини суриб доимо ҳақиқий дўстлар даврасида узоқ умр кўришингга тилақдошман. Барча эзгу ниятларимни қабул қилгайсан.

Дўстинг ШУҲРАТ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан
ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача
қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.

Факс: (3712) 133-21-56.

Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй,
2-қават, 204-хона.

Спорт

**УМУММАЛАКАТ
МАРАФОНИ
ГОЛИБЛАРИ
ТАҚДИРЛАНДИ**

Сихат-саломатлик йили ва Наврўз байрамига бағишлаб ўтказилган Умуммамлакат марафони ниҳоясига етди.

Шуни айтиш кераки, Республиканинг барча ҳудудлари бўйлаб ташкил этилган ушбу марафоннинг муваффақиятли ўтишига бир қатор вазирилар, Республика хотин-қизлар қўмитаси, Миллий олимпия қўмитаси, «Камолот» ЁИХ, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари яқиндан бош қўшдилар.

Унда иштирок этган профессионал югурувчилар сони 150 нафарни ташкил этган бўлса, шундан 48 нафари аёллардир.

Қўзда тутилганидек, марафоннинг якуний босқичида қатнашчилар шахримизнинг «Ёшлик» Талабалар шаҳарчасига етиб келишди. Бу ерда талаба ёшлар, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги вакиллари иштирокчиларни қутлашиб, сўнгги йўналишда омад тилашган, югурувчилар «Наврўз» мажмуасига чилар 13,5 километрлик якунловчи масофага отланишди.

Марафончилар финишга етиб келганларидан сўнг энг яхши натижа кўрсатган голиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, 480 километрлик учинчи Наманган-Тошкент йўналиши бўйича марафон пойгасида шахсий таркибда қатнашган ҳамшахримиз Аъзам Алиев энг яхши натижа кўрсатиб, бош соврин эгаси бўлди. Факат у шаҳар босқичида қатнашмади. Қолган совринли ўринлар Андижон вилояти вакилларига насиб этди.

Хотин-қизлар ўртасида фарғоналик Мария Хмелевская, жамоавий бахсларда Андижон вилояти терма жамоаси галаба наҳидасини сурди.

Жизза вилояти вакили 13 ёшли Шабона Ёқубова Умуммамлакат марафонининг энг ёш қатнашчиси деб топилди.

Шахримизда ўтказилган 13,5 километрлик марафоннинг сўнгги масофасини босиб ўтишда эркаклар ўртасида самарқандлик Руслан Носиров, аёллар ўртасида эса фарғоналик Марина Хмелевскаялар байрат кўрсатишиб, марра чизигига биринчи бўлиб етиб келганлари ҳолда шаҳар пойгасининг голиблари сафини бошқаришди.

Сихат-саломатлик йили ва Наврўз байрамига бағишлаб ўтказилган Умуммамлакат марафонининг барча голиб ва совриндорларига ташкилотчилар томонидан дипломлар ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

ДА «Ўзуйжойжамгарма-банк» Мирзо Улуғбек филиали жамоаси филиал бошқарувчиси ўринбосари **Ибрагим Шавкатович АМИНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Соғлом турмуш тарзи

Мамлакатимиз раҳбари томонидан 2005 йилнинг «Сихат-саломатлик йили» сифатида эълон қилиниши халқ таълими ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юкляди. Хусусан, айнан шу соҳада фаоллиб олиб бораётган хотин-қизларнинг оммавий спортга жалб этилиши амалга оширилаётган ишлар кўламига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

**ИККИНЧИ БОСҚИЧ
ЯКУНЛАНДИ**

Бунинг исботи ўларок, республикамизда таълимнинг бошланғич тизими ҳисобланган мактабгача тарбия муассасалари тарбиячилари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, жисмоний тарбия ва спортни тез, қисқа суръатларда янги босқичга олиб чиқиш, илк босқичдаги таълим йўналишларида ишлаётган раҳбар аёллар ўртасида спорт мусобақалари ўтказиш асносида уларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаз қилиш мақсадида, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош босқирмаси ташаббуси билан республикамизда илк мартабада спортнинг бешта тури бўйича мактабгача таълим масканлари етакчилари иштирокида икки босқичдан иборат спорт беллашувлари ўтказилди.

Мазкур мусобақаларда иштирокчилар волейбол, сузич, стол тенниси, шашка ва кувнок

эстафета спорт турларида ўз имкониятларини синаб кўришди. Таъкидлаш жоизки, туман босқичи бахсларида пойтахт Халқ таълими бош босқирмаси тизимига қарашли 501 та мактабгача тарбия муассасалари раҳбарлари ва 11 та туман мактабгача тарбия масканлари услубчилари қатнашдилар.

Иккинчи босқич мусобақалари ҳам намунали тарзда ўтди ва саралаш бахсларида 200 нафар бошча мудирлари ўзаро куч синашишди.

Куни кеч Собир Раҳимов туманидаги «Умид» спорт мажмуасида ҳар иккала босқичдан ҳам муваффақият билан ўтган А.Икромов, Бектемир, Миробод, М.Улуғбек, Ҳамза, С.Раҳимов, Сергели, Шайхонтоҳур, Юнусобод ва Яққасарой туманлари вакилларидан иборат жамоаларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Саломатлик — туман бойлик

ИБРАТ ОЛСА АРЗИЙДИ

Жисмоний тарбия ва спортга мунтазам ошно бўлиш саломатлик гарови эканлигини кўпчилигимиз яхши билемиз. Фақат асосийси ҳаётда шунга амал қилишгина қолган.

Мирзо Улуғбек туманидаги «Динамо» спорт мажмуасига ҳафта-сига уч бор 40 ёшдан 75 ёшгача бўлган аёлларнинг кичик гуруҳи саломатликларини мустаҳкамлаш, чарқоқдан фориг бўлиш мақсадида келишади.

Ушбу саломатлик гуруҳини эса собиқ врач, ҳозирда нафақада бўлган Галина Маклакова бошқаради. Ўз ишининг захматкаши Галина Семёновна 75 ёшда бўлишига қарамай фаол ҳатти-ҳаракатлари, интилувчанлиги билан бошқаларга ҳам ўрнак бўлмоқда.

— Стадиондаги соғломлаштириш машғулотларидан ташқари, дам олиш кунлари биз тоғларга чиқамиз, театр, музейларга борамиз. Шифокор сифатида шуни айтишим мумкинки, айнан соғлом турмуш тарзи ҳаётга қизиқишни оширади ва кишида яхши кайфият пайдо қилади. Шу боисдан саломатлик гуруҳимиздан ҳеч ким бирор марта бўлса ҳам стадиондаги машқларни ўтказиб юбормайди. Ва мен барча спортсевар аёлларимиз номидан «Динамо» спорт мажмуаси раҳбариятига соғлигимизни тиклашимиз учун яратиб бераётган шарт-шароитлари учун ташаккур билдирмоқчиман.

(Ўз мухбиримиз)

Юлдузлар бугун воқеаларнинг қутилмаган йўналиш олиши, келажак билан учрашув, истикболли таклифларни ваъда қилади. Бугунги кун донолик, билим сирларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш кунидир.

Илмий ишлар, ёзма ва интеллектуал меҳнат учун гоят қулай вақт. Бегона маданиятлар, чет тилларни ўрганиш ҳам энгил кўчади.

Сафарлар, саёҳатлар, янги танишувлар учун ҳам яхши кун. Режалар тузмаган, ҳеч бўлмаса, тушдан кейингача бу ишга қўл урмаган маъқул. Ҳаммомга тушиш, укалатиш, соч олдириш, косметик муолажалар учун ҳам бу айна самарали пайт ҳисобланади.

Кунингиз қутилмаган ҳодиса-воқеаларга бой бўлиши мумкин. Меҳмондорчиликка бориш, одамлар билан кўпроқ мулоқотда бўлиш

Мунажжим башорати

**БИЛИМ СИРЛАРИНИ
ЎРГАНИШ КУНИ**

31 МАРТ, ПАЙШАНБА

фойдали. Деҳқончилик ишлари, савдо-сотик, илм билан шуғулланиш, муҳим деб билган ишларингизга қўл уришингиз мумкин.

Ой сайёраси йўналисиз ҳолатда қоладиган вақтда (21.25 да 23.00 гача) қутилмаган, сиртдан беозор кўринган эҳтирослар жүржинглиги юз беришидан эҳтиёт бўлиш керак.

Бугун шамол ва булутларга қараб куннинг аломатларини аниқлаш мумкин. Уйдан чиқаётиб, осмонга қараб, булутларнинг шаклига эътибор қилинган. Сиз учун бунинг катта рамзий аҳамияти бўлади. Мабодо, уйдан чиқишда ор-

Тадбирни кириш сўзи билан очган Тошкент шаҳар халқ таълими бош босқирмаси бошлигининг ўринбосари Жамолдин Камолов давлатимиз раҳбари томонидан спортга берилган юксак эътибор, ҳукумати-мизнинг қатор қарорларининг туб моҳияти соҳа ривожига кенг имкониятлар эшигини очилиши учун хизмат қилаётганлигини таъкидлади ва голибларни эришилган ютуқлар билан муборакбод этди.

Шундай қилиб, «Кувнок эстафета» мусобақаларида А.Икромов, Шайхонтоҳур, Юнусобод, шашка бўйича беллашувларда Ҳамза, Юнусобод, Яққасарой, стол тенниси бахсларида С.Раҳимов, А.Икромов, Юнусобод, сузич бўйича голибликка интиланган М.Улуғбек, А.Икромов ва Юнусобод ҳамда волейбол бўйича курашларда С.Раҳимов, М.Улуғбек, Шайхонтоҳур туманлари, умумжамоа ҳисобида эса А.Икромов, Шайхонтоҳур, Юнусобод туманлари иштирокчиларининг имкониятлари юқори баҳоланди.

Голиб ва совриндорларга I, II, III даражали дипломлар, Фахр ёрликлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Келгусида бундай мусобақаларни ҳар йили мунтазам равишда ўтказиш белгилаб олинди.

ҲУМОЮН АЛИЕВ

Спорт

**КУБОК
БАХСЛАРИ
БОШЛАНДИ**

Ўзбекистон Кубоги бахсларининг биринчи босқич беллашувларига старт берилди. Шуниси эътиборлики, Кубок беллашувларида қатнашаётган жамоалар 14 гуруҳга бўлинган ҳолда майдонда ҳаракат қилишмоқда.

Пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Локомотив», «Трактор» «НБУ-Осиё», «Шайхонтоҳур» жамоалари 4,5,6,7-гуруҳларда голиблик учун кураш олиб боришади. Дарвоқе чорак финал ўйинларидан бошлаб мамлакатимиз чемпиони «Пахтакор» ҳам Кубок бахсларига қўшилиди.

Куни кеча бошланган Ўзбекистон Кубоги биринчи босқич беллашувлари пойтахт жамоалари учун омадли кечди. Ўз майдонда «Кимёгар» жамоаси билан куч синашган «Локомотив» футболчилари рақибларини 4:1 ҳисобида енгишга муваффақ бўлган бўлсалар, «Трактор» жамоасига «Фаллакор» ни 4:2 ҳисобида мағлуб этиш қийин кечмади. Биринчи лига вакили «НБУ-Осиё» эса сафарда олий лигада тўп сураётган «Бектемир» «Металлург» клубини 2:0 ҳисобида дардга қолдириб муҳлислари кўнглини шод этди.

Ўзбекистон Кубогининг навбатдаги учрашувлари 31 март куни бўлиб ўтади.

АНВАР ЙЎЛЧИЕВ



СУРАТДА: аёллар «Динамо» стадионида соғлиқларини мустаҳкамламоқдалар.

Алексей Попов олган сурат.

қора ранглар бугун афзал ҳисобланади. Қизил ва зарғалдоқ рангли либослардан узокроқ бўлганингиз маъқул.

БУГУН:

— имкони борича ўзингиз учун қулай шароитларда ишлаб дам олинг;

— болаларга, оилангизнинг бошқа аъзоларига кўпроқ эътибор беринг;

— ўзингиз яхши биладиган ишлар билан шуғулланишни давом эттиринг;

— олижаноблик, хомийлик кўрсатинг ва ёрдамингизга муҳтож кишиларга ёрдам беринг.

Янги ишга қўл урманг — мунажжимларга ишонадиган бўлсанг, улар бугун ҳар қандай ташаббус омадсиз бўлади, дейишмоқда. Ҳориб чарчаш, асаб тизимини зўриқтириш мумкин эмас. Томоғингиздаги оғриқ аломатларига беътибор бўлманг.

**Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ**
Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Мағбۇтчилар кўчаси, 32

Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Буюртма Г-209.

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тибқ, офсет усулида босилади.
5009 нускада босилади. Қўғоқ биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Мағбۇт ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрингизга берилган масалалари бўйича турар жойларга почта бўлимларига ёки «Тошкент почтачиси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийт-маъбо ашқардорлик компанияси бошқармаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.